

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ
Ягона акциядорининг
31.07.2019 йилдаги
АС-5/2019-сонли қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ
РАҲБАР ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ
РЕГЛАМЕНТИ

(ЯНГИ ТАҲРИР)

2019 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ раҳбар лавозимларига танловни ташкил этиш ва ўтказишнинг ушбу Регламенти (бундан кейин Регламент деб юритилади) «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.2015 йилдаги УП-4720-сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ (бундан кейин Банк деб юритилади) устави, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссияси мажлисининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Банк Бошқаруви Раиси ва Раис ўринбосарлари лавозимларига номзодларни танловли танлаб олишнинг шартлари ва тартибини белгилайди.

Танловни ўтказиш тамойиллари қуйидагичадир:

шаффофлик – танловнинг бошлангани, уни ўтказиш тартиби, танлов мезонлари ва танлаб олинган номзодлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш йўли билан таъминланади;

мунтазамлик – танловни Банк кенгаши ёки олий бошқарув органи томонидан белгиланган муддатларда ўтказиш йўли билан таъминланади;

мусобақадорлик – номзодларнинг малакавий ва профессионал сифатларини мазкур Регламентда белгиланган мезонларга кўра баҳолаш йўли билан таъминланади.

1.2. Банк бошқаруви Раиси ва Раис ўринбосарлари лавозимларига (бундан буён раҳбар лавозимларга деб юритилади) танловли танлаб олиш бўш иш ўрни (вакансия) вужудга келса, агар Банк кенгаши ёки олий бошқарув органи томонидан бошқа қарор қабул қилинмаган бўлса, Банк кенгаши томонидан ўтказилади.

1.3. Танловли танлаб олишни ўтказишдан мақсад Банкнинг раҳбар лавозимларига замонавий фикрлайдиган, замонавий талабларга мос, юқори малакали раҳбарларни, жумладан, хорижий менежерларни жалб қилиш учун ўтказилади.

1.4. Танлов номзодлар бўйича келиб тушган таклифлар асосида ўтказилади.

1.5. Тегишли соҳада зарур малакага ва иш тажрибасига эга Банкнинг малакали раҳбар ходимлари, шунингдек, бошқа шахслар, жумладан, хорижий менежерлар (бундан кейин номзодлар деб юритилади) номзод сифатида иштирок этишлари мумкин.

1.6. Номзодлар бўйича таклифлар жамиятнинг камида 10% овоз берувчи акцияларига эга Банк акциядорлари, Бошқарув Раиси ва номзодларнинг ўзлари томонидан киритилиши мумкин.

1.7. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Кенгашнинг қарорлари, шунингдек, танлов натижалари мажлисларда қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади.

1.8. Кенгаш Раиси танловни ўтказишда ишчи орган вазифасини бажарадиган Банкнинг масъул бўлинмасини (бундан кейин – Масъул бўлинма деб юритилади) белгилайди.

II. БАНКНИНГ РАҲБАР ЛАВОЗИМЛАРИГА НОМЗОДЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

2.1. Раҳбар лавозимга номзодлар қуйидагиларни билишлари лозим:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида ёритилган асосий масалалар;

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ва банк фаолияти соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталари қарорларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини, Марказий банкнинг норматив ҳужжатларини ва бошқа норматив ҳужжатларни, шу жумладан:

фуқаролик, хўжалик ва меҳнат қонунчилиги ҳужжатлари;

банк ҳисоботларини тузиш тартиби;

ҳисоб-китоб ва тўловларни амалга ошириш тартиби;

молиявий ҳисобот, бухгалтерлик ҳисобини юритишнинг миллий ва халқаро стандартлари, банкнинг ички кредит сиёсати ва кредитлаш тартиби;

кичик бизнесни кредитлаш тартиби;

омонатларни қабул қилиш ва уларни бериш тартиби;

банкни корпоратив бошқариш тартиби;

ички аудит вазифалари ва тартиби;

эмиссия-касса операцияларини амалга ошириш тартиби;

хорижий валюта билан операцияларни амалга ошириш тартиби;

пул муомаласини ташкил этилиши;

Базель Қўмитасининг банк фаолияти асосий тамойилларини;

республикада банк тизимида амалга оширилаётган кадрлар сиёсатининг моҳияти ва мазмунини.

2.2. Номзодларнинг малакасига қўйиладиган талаблар:

Бошқарув Раиси лавозимига:

- молия-иқтисод соҳасида олий маълумот;

- банк соҳасида камида 10 йиллик иш стажига;

- банк соҳасида Бошқарув Раиси ёки Бошқарув Раиси ўринбосари лавозимида 5 йиллик иш стажига;

Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига:

- молия-иқтисод соҳасида олий маълумот;

- банк соҳасида камида 10 йиллик иш стажига;

- банк соҳасида раҳбар лавозимларда (Бошқарув Раиси ўринбосари, Бўлинма бошлиғи) лавозимида камида 3 йиллик иш стажига;

- инглиз тилини мукамал даражада билиш (Банкнинг ташқи иқтисодий фаолияти учун масъул бўлинмасини назорат қилиш вазифаси юклатилган Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари учун талаб этилади).

Бошқарув Раиси ўринбосари лавозимига:

- молия-иқтисод соҳасида олий маълумот;

- банк соҳасида камида 10 йиллик иш стажига;

- банк соҳасида раҳбар лавозимларда (Бошқарув Раиси ўринбосари, Бўлинма бошлиғи ёки бошлиғи ўринбосари) лавозимида камида 3 йиллик иш стажига.

2.3. Зарур келганда Банк номзоднинг ўзидан, шунингдек, тегишли ваколатли идоралардан олинган маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқловчи ахборотни аниқлаштириш мумкин.

2.4. Қуйидаги шахслар танловга иштирок этишга қўйилмайди:

- тегишли раҳбар лавозимларга номзодлар учун талаб этиладиган, Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган ёки хорижий давлатнинг таълим муассасасида олиниб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида тан олинган олий маълумотга эга бўлмаганлар;

- тегишли раҳбар лавозимга сайлаш/тайинлаш учун талаб этиладиган етарли иш стажига эга бўлмаганлар;
- лицензия талаб ва шартларини шахсларнинг айби билан йўл қўйилган бузилиши учун кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш учун лицензияни амалдан тўхташи пайтида, агар шундай тўхташ давридан уч йилдан кам пайт ўтган бўлса, юридик шахсларнинг яккабош ижроия органи вазифасини бажарган, коллегиял ижроия органи таркибида бўлган ёки таъсисчиси ҳисобланган шахслар;
- иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар ёки бошқарув тартибига қарши жиноятлар учун сўндирилмаган судланганликка эга шахслар;
- айбдор томонидан корхона, муассаса ёки ташкилотларда суд томонидан белгиланган муддат мобайнида бирон турдаги лавозимларни эгаллаш ёхуд бирон хилдаги фаолият билан шуғулланишни тақиқлашдан иборат муайян ҳуқуқдан суд қарори билан маҳрум этилганлар;
- Банк кенгаши аъзолари билан қариндошлик ёки қудачилик муносабатида бўлса;
- муомалага лаёқатсиз ёки чекланган лаёқатли деб топилган бўлса;
- банкрот ёки молиявий ҳолати оғирлашган банк, микрокредит ташкилотлари ва юридик шахсларнинг собиқ раҳбарлари, бошқарув ва кузатув кенгашларининг аъзолари, шунингдек, йирик иштирокчилари (устав капиталида овоз берувчи акциялар ёки улушнинг 10 ва ундан кўп фоизига эга шахслар) – башарти улар томонидан юридик шахсни банкротликка ёки молиявий ҳолати оғирлашувига олиб келган ҳатти-ҳаракатларни содир этиш фактлари аниқланган бўлса;
- оффшор ҳудудларнинг резидентлари ва/ёки фуқаролари;
- шахслар банкда раҳбар лавозимларни эгаллаб турган ёки моддий жавобгар яқин қариндошлари билан бирга ишласалар, бир пайтнинг ўзида бири иккинчисининг бевосита қўл остида ёки назорати остида бўлса;
- танловда иштирок этиш учун ёлғон маълумотларни тақдим этганлар.

2.5. Номзодлар Банкка ўзлари тўғрисида тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги, долзарблиги ва ҳақиқатга мослигини таъминлайдилар.

III. БАНКНИНГ РАҲБАР ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВЛИ ТАНЛАБ ОЛИШНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

3.1. Танлов эълон қилиш тўғрисида қарор Банк кенгаши томонидан қабул қилинади.

Банк кенгаши қарорида танловда иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган сана, вақт ва жой белгиланади.

3.2. Танлов эълон қилинган ва уни амалга ошириш шартлари тўғрисидаги ахборот Банкнинг расмий веб-сайтида, корпоратив ахборотнинг Ягона порталида ва бошқа ахборот воситаларида жойлаштирилади ҳамда қуйидагиларни таркибига олади:

- Банкнинг номи ва жойлашган жойи;
- танлов эълон қилинган лавозимнинг номи;
- танлов иштирокчиларига қўйилмайдиган талаблар, шунингдек, танловда иштирок этишга қўйилмайдиган шахслар доираси;
- номзод томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати ва уларни расмийлаштириш бўйича талаблар;
- танловда иштирок этиш учун зарур ҳужжатлар илова қилинган аризаларни топширишнинг сўнгги муддати;
- аризаларни қабул қилиш режими;

- танлов ўтказилиши тўғрисида аризаси томонидан қўшимча ахборот олиш учун алоқа маълумотлари;

- Банк кенгашининг танловни ўтказиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ бошқа ахборот.

3.3. Танловда иштирок этиш учун номзодлар танлов бошланиши тўғрисидаги эълон чоп этилган пайтдан бошлаб 10 (ўн) иш кунидан кечиктирмасдан қуйидаги ҳужжатларни Банкка тақдим этишлари лозим:

- 1-сонли иловадаги шаклга кўра танловда иштирок этиш учун ариза;

- 2-сонли иловадаги шаклга кўра номзод томонидан тўлдирилган сўровнома;

- 4-сонли иловадаги шаклга кўра шахсий маълумотларини қайта ишланишига номзоднинг розилик аризаси;

- паспорт (шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат)нинг нусхаси;

- олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси;

- меҳнат дафтарчаси ва/ёки иш стажи ва малакани тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаси;

- қўшимча маълумот, илмий даража, илмий унвон мавжуд бўлса – тегишли тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари;

- 3,5x4,5 ўлчамдаги 4 дона фотосурат;

- судланганликнинг йўқлиги (борлиги) тўғрисида маълумотнома.

Тақдим этилган ҳужжатлар ва ахборотнинг ҳаққонийлиги учун номход жавобгар бўлади.

Аризаларни топшириш муддати тугамасдан туриб номзод танловда иштирок этиш учун аризасини қайтиб олиши мумкин.

3.4. Танловда иштирок этиш учун ариза қуйидаги ҳолатларда қабул қилинмайди:

- номзод томонидан тўлиқ бўлмаган, ёки ушбу Регламент ёхуд Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари бузилган ҳолда расмийлаштирилган ҳужжатлар тақдим этилганда;

- аризаларни топшириш муддатидан кечиктириб ариза тақдим этилганда.

3.5. Ҳужжатлар қўлдан-қўлга Банкка, Масъул бўлинмага тақдим этилади, у тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлигини текширади. Банда аризачи ҳужжатларнинг нусхалари билан аслини ҳам тақдим этиши лозим.

3.6. Масъул бўлинма Банк хавфсизлиги Бошқармаси билан биргаликда тақдим этилган ҳужжатлар асосида номзодларни ушбу регламентнинг иккинчи бўлимида кўрсатилган талабларга мослиги юзасидан номзодларнинг дастлабки танловини ўтказиши ва кейинги баҳолаш учун номзодлар бўйича рўйхатларни шакллантиради.

Номзодларни баҳолаш Масъул бўлинма томонидан 3-сонли иловада («ASIA ALLIANCE BANK» АТБ Бошқаруви Раиси/Раис ўринбосари лавозимига номзодларни танлаб олиш бўйича баҳолаш варақаси) кўрсатилган мезонлар бўйича баллар қўйиш йўли билан амалга оширилади. Номзод тўплаши мумкин бўлган балларнинг энг кўп миқдори 100 баллни ташкил этади.

3.7. Баҳолаш тартиботи яқунлангандан сўнг, аммо аризаларни бериш муддатидан 5 иш кунидан кечиктирмаган ҳолда энг юқори олган кўпи билан уч нафар номзоднинг ҳужжатлари Банк кенгашига топширилади.

3.8. Банк кенгаши, номзодлар бўйича таклифларни кўриб чиқиб, номзод билан суҳбат белгилаши мумкин.

3.9. Танловни ўтказиш натижасида Банк Бошқарув Раиси ва/ёки Раис ўринбосарларига қўйиладиган талабларга жавоб берадиган номзодлар аниқланмаса, Банк кенгаши такрорий танловни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

3.10. Банк кенгаши танлов натижалари бўйича Бошқарув Раиси ўринбосарлари лавозимларига тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади, Бошқарув Раиси лавозимига номзод бўйича таклифни эса тўпланган балларни кўрсатган ҳолда қонунчилик ва Банк уставида булгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқиш учун банкнинг олий бошқарув органига киритилади.

Бунда устав капиталида давлатнинг улуши 50% ва ундан кўп миқдорда бўлганда Банк бошқаруви Раиси ва ўринбосарлари лавозимларига номзодларни кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ёки унинг тегишли ўринбосар ва маслаҳатчиларини билан келишилган ҳолда амалга оширилади, шунингдек, лавозимга тайинлаш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Номзодга нисбатан уни алмаштириш зарурати билан боғлиқ вазиятлар юзага келган ҳолда Банк кенгаши илгари танловда иштирок этган ва энг яхши якуний балл тўплаган шахсни номзод сифатида белгилайди.

3.12. Номзодларнинг танловда иштирок этиши билан боғлиқ (танлов ўтказиладиган жойга сафар қилиш ва қайтиш, яшайдиган хонани ижараси, истиқомат қилиш, алоқа воситалари хизматларидан фойдаланиш ва бошқа) харажатлар уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3.13. Танловдан ўтмаган номзодлар номзоднинг буюртмасида кўрсатилган контакт маълумотлар бўйича исталган қулай усулда хабардор қилинади.

4. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

4.1. Ушбу Регламент Банк акциядорлари Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга киради.

4.2. Агар ушбу Регламентнинг бирон нормаси амалдаги қонунчиликка зид тушса, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган норма қўлланади.

4.3. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбли шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

4.4. Ушбу Регламент талабларига риоя этилиши устидан назоратни Банк кенгаши амалга оширади.

«ASIA ALLIANCE BANK»
Акциядорлик-тижорат
банкнинг раҳбар
лавозимларига танловли танлаб
олиш Регламентига 1-сонли
илова

«ASIA ALLIANCE BANK»
Акциядорлик-тижорат банки
Кенгашининг Раисига

манзилда истиқомат қилувчи

_____ **дан**
(ф.и.о.)

телефон рақами:

АРИЗА

«ASIA ALLIANCE BANK» Акциядорлик-тижорат банкнинг *Бошқарув Раиси/Раис ўринбосари лавозимига* номзодлар танлови бўйича танловга кўриб чиқиш учун ҳужжатларимни қабул қилишларингизни сўрайман.

Ушбу билан қуйидагиларни тасдиқлайман:

- ✓ тегишли раҳбар лавозимига сайланиш/тайинланиш учун талаб этиладиган олий маълумот ва иш стажига эгаман;
- ✓ менга нисбатан тегишли лавозимларни эгаллаш ёки фаолиятнинг муайян турлари билан шуғулланишга тақиқ қўйилмаган;
- ✓ лицензия талаб ва шартларини менинг айбим билан йўл қўйилган бузилиши учун кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш учун лицензияни амалдан тўхташи пайтида юридик шахснинг яккабош ижроия органи вазифасини бажармаганман, коллегиял ижроия органи таркибида бўлмаганман ёки таъсисчиси ҳисобланмаганман;
- ✓ иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар ёки бошқарув тартибига қарши жиноятлар учун сўндирилмаган судланганликка эга эмасман;
- ✓ корхона, муассаса ёки ташкилотларда суд томонидан белгиланган муддат мобайнида бирон турдаги лавозимларни эгаллаш ёхуд бирон хилдаги фаолият билан шуғулланишни тақиқлашдан иборат муайян ҳуқуқдан суд қарори билан маҳрум этилганмаганман;
- ✓ Банк кенгаши аъзоси билан қариндошлик ёки қудачилик муносабатим йўқ;
- ✓ муомалага лаёқатсиз ёки чекланган лаёқатли деб топилмаганман;
- ✓ банкрот ёки молиявий ҳолати оғирлашган банк, микрокредит ташкилотлари ва юридик шахсларнинг раҳбари, бошқарув ва кузатув кенгашининг аъзоси, шунингдек, йирик иштирокчиси (устав капиталида овоз берувчи акциялар ёки улушнинг 10 ва

ундан кўп фоизига эга шахс) – башарти улар томонидан юридик шахсни банкротликка ёки молиявий ҳолати оғирлашувига олиб келган ҳатти-ҳаракатларни содир этиш фактлари аниқланган бўлса – бўлмаганман;

- ✓ оффшор ҳудудларнинг резиденти ва/ёки фуқароси эмасман;
- ✓ «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ да раҳбар лавозимларни эгаллаб турган ёки моддий жавобгар яқин қариндошлари билан бирга ишлайдиган, бир пайтнинг ўзида бири иккинчисининг бевосита қўл остида ёки назорати остида бўлган яқин қариндошларга эга эмасман.

Аризага қуйидагиларни илова қиламан: *(илова қилинадиган ҳужжатлар санаб ўтилсин)*

1. _____
2. _____
3. _____

Ф.И.О.¹

Имзо

«__» _____ 20__ йил

¹ Фамилияси, исми, отасининг исми номзоднинг ўзи томонидан тўлиқ кўринишда қўлда ёзилиши лозим

«ASIA ALLIANCE BANK»
Акциядорлик-тижорат
банкнинг раҳбар
лавозимларига танловли танлаб
олиш Регламентига 2-сонли
илова

СЎРОВНОМА

Ф.И.О.

Фотосурат

Туғилган йили:
(сана, ой, йил)

Туғилган жойи:

Фуқаролиги:

Миллати:

Маълумоти:

Қаерни тугатган: *(нимани ва қачон)*

Маълумоти бўйича ихтисослиги:

Илмий даражаси:

Илмий унвони:

Чет тилларини билиши:

Хукумат мукофотлари билан тақдирланганми (қайсилари билан):

**Республика, вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари ёки бошқа сайланадиган
органларнинг депутати бўлганми:**

МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ:

Давр (қайси пайтдан қачонгача)	Иш жойи (лавозимнинг номи), бўлинма, эгаллаган лавозими

Яқин қариндошлар тўғрисида маълумотлар Ф.И.О.

Қариндош лик даражаси	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган санаси ва жойи	Иш жойи ва лавозими	Истиқомат манзили (доимий прописка бўйича)
Отаси				
Онаси				
Опаси/синг лиси				
Акаси/укаси				
Эри ёки хотини				
Ўғли				
Қизи				
Қайнотаси				
Қайнонаси				
Эр ёки хотиннинг ака/укалари				
Эр ёки хотиннинг опа/сингилл ари				

Амалда истиқомат қиладиган жойи:

Прописка бўйича истиқомат қиладиган жойи:

Шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг маълумотлари:

Паспорт Бошқа документ _____

Серияси _____ тартиб рақами _____

Берилган сана: _____

Ким томонидан берилган: _____

Қачон берилган: _____

Ф.И.О.²

Имзо

«__» _____ 20__ йил

² Фамилияси, исми, отасининг исми номзоднинг ўзи томонидан тўлиқ кўринишда қўлда ёзилиши лозим

«ASIA ALLIANCE BANK»
 Акциядорлик-тижорат
 банкнинг раҳбар
 лавозимларига танловли танлаб
 олиш Регламентига 3-сонли
 илова

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ
БОШҚАРУВИ РАИСИ/РАИС ЎРИНБОСАРИ
ЛАВОЗИМИГА НОМЗОДЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ БЎЙИЧА БАҲОЛАШ
ВАРАҚАСИ

Номзоднинг Ф.И.О.си _____

№	Баҳоланадиган мезонлар	Мезонга мувофиқлик учун максимал балл	Номзоднинг балли
I. МАЪЛУМОТИ			
1	Ўзбекистон Республикаси ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тан олинган хорижий давлат ўқув юртининг олий молиявий-иқтисодий маълумот тўғрисидаги дипломи мавжудлиги	5	
2	Давлат бошқаруви Академияси, Банк-молия академияси ёки Ўзбекистон Республикасининг бошқа олий мактабларини тугатгани тўғрисида магистр дипломининг мавжудлиги	5	
3	Хорижда олий молиявий-иқтисодий маълумот олгани тўғрисида магистрлик дипломининг ёки қўшимча (иккинчи, учинчи) олий маълумот тўғрисида дипломининг мавжудлиги	5	
4	Иқтисод фанлари доктори, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, техника фанлари доктори илмий дарадаси ёки унвони борлиги	5	
ЖАМИ БЎЛИМ БЎЙИЧА 20 дан _____			
II. ИШ ТАЖРИБАСИ			
5	Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан раҳбар лавозимларда ишлаш тажрибаси		
	бир йилдан 3 йилгача	2	
	3 йилдан 5 йилгача	3	
	5 йилдан кўп	4	
6	Банк Кенгаши, тафтиш комиссияси аъзоси ёки ички аудит ходими сифатида иш тажрибаси		
	бир йилдан 3 йилгача	2	
	3 йилдан 5 йилгача	3	
	5 йилдан кўп	4	

№	Баҳоланадиган мезонлар	Мезонга мувофиқлик учун максимал балл	Номзоднинг балли
7	Банк соҳасида иш тажрибаси		
	10 йилдан 15 йилгача	3	
	15 йилдан 20 йилгача	4	
	20 йилдан кўп	5	
8	Хорижий мамлакатларнинг банк тизимида ёки республика ҳудудида жойлашган хорижий (шуъба) банкларида раҳбар лавозимларда иш тажрибаси.		
	бир йилдан 3 йилгача	3	
	3 йилдан 5 йилгача	4	
	5 йилдан кўп	5	
9	Банк кенгаши Раиси лавозимида иш тажрибаси		
	5 йилгача (дохил)	4	
	5 йилдан 10 йилгача	5	
	10 йилдан 15 йилгача	6	
	15 йилдан кўп	7	
10	Банк кенгаши Раисининг ўринбосари лавозимида иш тажрибаси		
	3 йилдан 5 йилгача	3	
	5 йилдан 10 йилгача	4	
	10 йилдан 15 йилгача	5	
	15 йилдан кўп	6	
11	Банк бўлинмалари бошлиғи / бошлиқ ўринбосари лавозимларида иш тажрибаси		
	3 йилдан 5 йилгача	2	
	5 йилдан 10 йилгача	3	
	10 йилдан 15 йилгача	4	
	15 йилдан кўп	5	
12	Судья, Қонунчилик палатаси депутати ёки Сенат аъзоси сифатида камида бир йиллик иш тажрибаси	4	
ЖАМИ БЎЛИМ БЎЙИЧА 40 тадан _____			
III. БОШҚА МЕЗОНЛАР			
13	Тилларни билиши		
	Давлат тили	2	
	Рус тили	2	
	Инглиз тили	2	
14	Халқаро сертификати борлиги (CFA, CPA, ACCA, ACA, CIMA, IBC, FRM)	2	
15	Сўнги икки йил давомида хорижий банклар томонидан ташкил этилган халқаро семинар ва ишбилармонлик музокараларида иштирок этгани.	2	
16	Банк бизнес-режаси асосий кўрсаткичларининг ўсиши динамикаси (номзод сифатида Банкнинг амалдаги раҳбари ёки раҳбар ўринбосари тақдим этилган ҳолатда)		

№	Баҳоланадиган мезонлар	Мезонга мувофиқлик учун максимал балл	Номзоднинг балли
	сўнги ҳисобот даври яқунлари бўйича бизнес-режанинг соф фойда кўрсаткичининг бажарилиши	5	
	ўтган йил яқунлари бўйича бизнес-режанинг соф фойда кўрсаткичининг бажарилиши	5	
	банк активларини ўсиш динамикаси мавжуд	4	
	банкни жами даромадларининг ўсиш динамикаси мавжуд	4	
	банк капитали даражасининг ўсиш (ёки сақланиб қолиш) динамикаси мавжуд	4	
	банк кредит портфелининг ўсиш динамикаси мавжуд	4	
	банк депозит портфелининг ўсиш динамикаси мавжуд	4	
ЖАМИ БЎЛИМ БЎЙИЧА 40 тадан _____			

Қўшимча изоҳлар:

Жами олинган баллар сони: _____
20__ йил

«__» _____

Ким томонидан тузилди:

Бошлиқ

(Масъул бўлинма номи)

Ф.И.О. имзо _____

Банк Кенгаши аъзолари

Ф.И.О. имзо _____

Ф.И.О. имзо _____

Ф.И.О. имзо _____

Ф.И.О. имзо _____

Ф.И.О. имзо _____

«ASIA ALLIANCE BANK»
Акциядорлик-тижорат
банкнининг раҳбар
лавозимларига танловли танлаб
олиш Регламентига 4-сонли
илова

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБда
шахсий маълумотларини қайта ишланишига номзоднинг
РОЗИЛИК АРИЗАСИ

Мен, _____, истиқомат манзилим: _____
_____, паспорт маълумотларим: серияси № _____
_____ томонидан _____ санасида берилган, «ASIA ALLIANCE
BANK» АТБ Бошқаруви Раиси/Раис ўринбосари лавозимига танловли танлаб олиш
ўтказилиши учун зарур ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида ва ушбу Банк билан
менинг ўртамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ меҳнат
муносабатларини расмийлаштириш эҳтимоли билан шахсий маълумотларимни, шу
жумладан: фотосуратлар, фамилиям, исмим, отамнинг исми, туғилган санам ва жой
тўғрисидаги маълумотлар, фуқаролигим, ўзим тўғримидаги биографик маълумотлар,
таълим тўғрисидаги маълумотлар, паспорт маълумотлари, СТИР, жамғариб
бориладиган пенсия ҳисобварағи маълумотлари, мутахассислик (касб) эгаллаб турган
лавозим, тўғрисидаги, ҳарбий ҳисобда туриш, судланганлик, истиқомат манзили
адреси, уй (мобил) телефони, оилавий ҳолат, оила таркиби, яқин қариндошлар
тўғрисида маълумотлар (эр (хотин), фарзандлар, ота-она, туғишган ака-ука, опа-сингил
ва б.) қайта ишланишига (яъни, шахсий маълумотларимни тўплаш, тизимга солиш,
сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, ишлатиш, тақдим этиш, тарқатиш, топшириш,
шахсизлаштириш ва йўқотиш бўйича ҳатти-ҳаракатларнинг бирини ёки жамини
амалга оширишга) розилигимни бераман.

Шахсий маълумотларимни «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ расмий сайтида,
корпоратив ахборотнинг Ягона порталида, «Тошкент» РФБ сайтида ва оммавий
ахборот воситаларида эълон қилинишига розилигимни бераман.

Ф.И.О.³

Имзо

«__» _____ 20__ йил

³ Фамилияси, исми, отасининг исми номзоднинг ўзи томонидан тўлиқ кўринишда қўлда ёзилиши лозим